



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2025 йил 2 сентябрь, № 181 (9076)

Сешанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШҲТ ДОИРАСИДАГИ КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 сентябрь куни Тяньцзинь шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



上海合作组织成员国元首理事会第二十五次会议

25-ое заседание Совета глав государств-членов Шанхайской организации сотрудничества

中国·天津 Тяньцзинь, Китай

2025年9月1日 1 сентября 2025 года



Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин раислигида ўтган тадбирда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Хиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модии, Эрон Ислом Республикаси Президенти Массуд Пезешкиён, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, шу-

нингдек, ШҲТ бош котиби Нурлан Ермекаев ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Уларбек Шаршеев қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва ташкилот фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан очиқ фикр алмашилди.

Хитой Раиси Си Цзиньпин давлатимиз раҳбарига сўз берар экан, мамла-

катимиз етакчиси ва халқини Мустақиллик кунин билан қутлади ҳамда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон юксак суръатда ривожланиб, мамлакатда ҳаёт яхшилангани ҳамда Хитой томони бундан жуда мамнулигини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз учрашув иштирокчиларини қутлаб, Хитойнинг ШҲТга раислигини юксак баҳолади ва Иккинчи жаҳон урушидаги буюк Ғалабанинг 80 йиллиги билан табриклади, шунингдек, ШҲТга аъзо давлатлар делегациялари раҳбарларига Ўзбекистон Республика-

сининг Мустақиллик кунини муносабати билан билдирган самимий табриклари ва эзгу тилаклари учун миннатдорлик изҳор этди.

Мамлакатимиз етакчиси ушбу саммит глобал ноаниқлик шароитида ўтаётганини қайд этди.

Ишончнинг тизимли инқирози, можа-роларнинг кенгайиб бораётгани, кўп томонлама институтларнинг заифлашиши ва жаҳон савдо тизимининг парчаланиши халқаро хавфсизлик ва барқарорлик архитектура-асосларига путур етказмоқда.

— Бундай шароитда ШҲТ давлатларининг бир-бирини ўзаро тушуниши ва бирдамлиги — бу фақат қимматли бойлик эмас, балки бизнинг бепоян минтақамизда тинчликни сақлашнинг калитидир, — деди Ўзбекистон етакчиси.

ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида давлатимиз раҳбари қуйидаги масалаларга эътибор қаратди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Авалло, Хитой Халқ Республикасининг Раиси, хурматли Си Цзиньпин Жаноби Олийларига мажлисимизни юксак даражада ташкил этгани ва самимий қабул учун чин дилдан миннатдорлик изҳор этаман.

Шунингдек, барча иштирокчиларни халқларимиз улкан ҳисса қўшган Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан табриклашга ҳам ижозат бергайсиз.

Қирғиз Республикасининг Мустақиллик кунини муносабати билан хурматли Президент Сади-Нурғожоевич Жапаровга билдирилган табрикларга қўшил-ламан ва Ўзбекистоннинг энг улуғ ва асосий давлат байрами муносабати билан айtilган илиқ сўзларингиз учун миннатдорлик изҳор этаман.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Бизнинг учрашувимиз Хитойнинг қадимий маданияти ҳамда унинг саноат ва технология йўналишдаги жадал тараққиёти ўртасидаги уйғунлиқни ўзида мужас-сам этган Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтмоқда.

Бу ерда буюк Конфуцийнинг “Ҳаётда ўз ўринингни топишни хоҳ-лар экансан, бошқаларга ёрдам бер, муваффақиятга интилар экансан, бошқаларнинг ютуғига

кўмак бер”, деган ҳикматли сўзла-ри ўзгача руҳда янграйди.

Бу минг йиллик фалсафа ўзаро хурмат ва бир-бирини қўллаб-қув-ватлаш, ҳар бир аъзо давлат манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган Шан-хай ҳамкорлик ташкилотининг бу-гунги миссиясига ҳамоҳангдир.

ШҲТ маконида умумий тарақ-қиёт ва раванг айнан аса шундай мустаҳкам пойдевор устида бар-по этилмоқда, деб ҳисоблайман.

Хитойнинг самарали раислиги туфайли Ташкилотимизнинг ну-фузи янада мустаҳкамланди, мамла-катларимизнинг ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлиги кенгайди.

Ишончим комилки, ўтаётган ушбу саммит янги тарихий дав-рини бошлаб беради ва ўзаро му-носабатларнинг узоқ истиқболга мўлжалланган стратегик йўналиш-ларини белгилаб олишга хизмат қилади.

Хурматли ҳамкасблар!

Иқтисодий, интеллектуал, ре-сурс ва технологик йўналишлар-да улкан салоҳиятга эга бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро майдонда ўз таъсирини изчил кенгайтириб бормоқда. Глобал ноаниқлик кузатилаётган ҳозирги шароитда бу муҳим аҳамиятга эгадир.

Ишончнинг тизимли инқирози можа-роларнинг кенгайиб бораёт-гани, кўп томонлама институтлар-нинг заифлашиши ва жаҳон сав-

до тизимининг парчаланиши халқаро хавфсизлик ва барқарор-лик архитектура-асосларига путур етказмоқда. Бундай ша-роитда ШҲТ давлатларининг бир-бирини ўзаро тушуниши ва бирдамлиги — бу фақат қиммат-ли бойлик эмас, балки бизнинг бепоян минтақамизда тинчликни сақлашнинг калитидир.

Айниқса, ШҲТ тенг ҳуқуқли му-лоқот, ўзаро хурмат ва шериклик макони бўлиб қолаётгани муҳим. Айнан шу жиҳат манфаатлар му-возанатини таъминлаш ва замо-намизнинг энг мураккаб хавф-ха-тарларига биргаликда жавоб то-пиш имконини бермоқда.

ШҲТнинг овози бизнинг уму-ий сиёсий иродамиз ифодаси, тинч келажа ва барқарор тарақ-қиёт йўлидаги қатъий савй-ҳа-ракатларга чорловимиз сифатида янада ишончи ва баралла ян-граши керак, деб ҳисоблаймиз.

Кўп томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича ўз қарашларимиз билан ўртоқ-лашишни истар эдим.

Энг аввало, Ташкилотнинг са-марадорлигини ошириш, унинг институтлари ва қарорларни амалга ошириш механизмларини мустаҳкамлаш зарур. Ташкилот-ни трансформация қилиш бўйича Самарқанд саммитида бошланган жараёнлар ушбу муҳим вазифа-ларни хал этишга ёрдам беради, деб ишонаман.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ПЛЮС» ФОРМАТИДАГИ МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Хитой Халқ Республикаси Раиси, хурматли Си Цзиньпин Жаноби Олийларига анъанавий самимий қабул ва мамлакатнинг “шимойий дарвозаси”, деб аталадиган гўзал ва жўшқин Тяньцзинь шаҳрида сам-митни юксак даражада ташкил эт-гани учун яна бир бор чин дилдан миннатдорлик изҳор этаман.

Кузатувчи давлатлар, шериклар ва саммит меҳмонлари делегация-ларини, шунингдек, етакчи халқаро институтлар раҳбарларини қутла-дан мамнунман.

Том маънода очиклик ва кўп то-монлама ҳамкорлик руҳига жавоб берадиган “ШҲТ плюс” формати ишончли мулоқот учун замоннинг ўзи талаб қилаётган майдонга ай-ланиб бормоқда.

Олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган халқаро вазият ҳукм сураётган шароитда ШҲТ жаҳонда барқарор ва адолатли тартиботни таъминлашнинг мустаҳкам таянчла-ридан бири, деб ҳисоблаймиз.

Хурматли учрашув иштирокчи-лари!

Ушбу саммитимиз йигирманчи асрнинг муҳажир фожияси бўлган Иккинчи жаҳон уруши тугаганининг 80 йиллиги байрам қилинаётган йилда ўтаётгани чуқур рамзий маъ-нога эга.

Бу нафақат муҳим тарихий воқеа, балки ўзига хос оғохлантириш ҳам-дир. Тинчлик бир марта ва доимий

эришиладиган неъмат эмас, уни до-имо асраб-авайлаш ва мустаҳкам-лаш зарур.

Низо ва можа-ролар тўлқинини тўхтатиш, ишончни қайта тиклаш, тинч-тотув ҳаётга интилиш, халқ-аро ҳуқуқнинг умумэътироф этил-ган тамойил ва меъёрларини ҳур-мат қилиш муҳимдир.

Шу муносабат билан хурматли Раис Си Цзиньпин илгари сурган Глобал бошқарув бўйича ташаббу-сини қўллаб-қувватлаймиз.

Халқаро муаммолар ҳақида га-пирганда, Ғазо секторидаги вази-ятга эътибор қаратмасдан ўтолмай-ман. Ушбу минтақада вазият яна кескинлашаётгани ва аҳолининг аҳволи ёмонлашаётгани чуқур таш-виш уйғотмоқда.

Фақат “икки халқ учун — икки давлат” тамойили асосида Фалас-тин — Исроил масаласига адолат-ли ечим топиш орқали Яқин Шарқ-даги можа-ронини тўхтатиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Хурматли саммит иштирокчи-лари!

Кўп томонлама ҳамкорлик бора-сида, бизнинг назаримиздаги, энг муҳим вази-фаларга қисқача тўхта-либ ўтмоқчиман.

Биринчи. Бугунги кунда жаҳон хавфсизлиқни таъминлашнинг биз-га таниш омиллари доирасидан чи-қиб кетган таҳдид ва хатарларнинг мураккаб мажмуаси қаршисида ту-рибди.

Иқлимнинг кескин ўзгариши,

энергетика ва озиқ-овқат ресурс-лари тақчиллиги, миграция инқи-розлари, киберхужумлар ва бошқа кўплаб янги хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда.

Фақат хавфсизликнинг бўлинмас-лиги тамойилига асосланган кол-лектив савй-ҳаракатларга халқ-ларимиз барқарорлиги ва фаровон-лигини таъминлаш имкониятини бе-ришини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шу маънода, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси базасида Хавфсизликка таҳдид ва хавф-ха-тарларга қарши курашиш бўйича универсал марказ, шунингдек, Душанбеда Наркотикаларга қарши курашиш маркази ташкил этилган-ини олқишлаймиз.

Келгуси йили Тошкентда мамла-катларимизнинг ваколатли органла-ри раҳбарлари, етакчи эксперт ва тадқиқотчилар иштирокида бирин-чи “Хавфсизлик масалалари бўйи-ча ШҲТ плюс мулоқоти”ни ўтказиш-ни тақиф қиламан.

Иккинчи. Афғонистондаги вази-ятни ҳисобга олмасдан ва халқаро ҳамжамиятнинг афғон ҳукумати би-лан конструктив мулоқотини йўлга қўймасдан туриб, минтақамизда барқарорлиқни таъминлаш мумкин эмас.

Ушбу мақсадга эришиш кўп жи-ҳатдан Афғонистонда, умуман, бу-тун минтақада узоқ муддатли тинч-лик ва барқарорликдан манфаатдор бўлган ШҲТ давлатларининг сиёсий иродасига боғлиқ.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

1 Биз Ташкилотнинг изчил кенгайиши тарафдоримиз. Чунки “ШХТ модели”нинг муваффақияти унинг очкилиги ва кенг қўламли ҳамкорликка йўналтирилганидир. Биз ўз келажагини ШХТ билан боғлиқ ҳолда кўраётган давлатларнинг интилишларини қўллаб-қувватлашга тайёرمىз.

ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари таркиби, жумладан, бошқа минтақа давлатлари ҳисобидан кенгайиб бораётгани Ташкилотни Глобал Жануб мамлакатлари билан ҳамкорлик платформасига айлантиришга ёрдам беради.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик — ШХТнинг ҳал қилувчи устувор йўналишларидан биридир. Бугунги кунда келишилган ёндашуларга ҳамда ишонч ва хавфсизлигини таъминлашнинг янги механизмларига талаб қучайиб бормоқда.

Ядро хавфсизлиги йўлида кўп томонлама шериклики мустаҳкамлаш бўйича ШХТ декларациясини қабул қилиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Ушбу декларация тинчлик йўлидаги атомни ривожлантириш ва фақулдодда ҳолатларга жавоб қайтаришнинг мустаҳкам асосига айланади, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидаги тарқатмаслик глобал режимига муносиб ҳисса бўлади.

Терроризм ва экстремизмнинг табиати сезиларли равишда ўзгараётгани, кибержиноятчилик, синтетик наркотиклар ишлаб чиқариши ва айланмаси ўсиб бораётгани, уюшган жиноятчилик қучаяётгани муносабати билан билдирилаётган хавотирларга қўшилиамиз.

Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашиш мақсадида Ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирлари кенгаши ишини қайта тиклаш, Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни қайта кўриб чиқиш, Гиёҳвандликка

қарам бўлиб қолишга қарши курашишнинг 2030 йилга қадар мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

“ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи фаолияти қайта тикланишини қўллаб-қувватлаймиз. Конструктив мулоқотларни ривожлантириш ва Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш унинг асосий вазифаларидан бири бўлиши мумкин.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ҳозирги тенденцияларни ҳисобга олиб, савдо-иқтисодий ҳамкорликини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратамиз.

Биз кенг минтақамизда иқтисодий ҳамкорлиқнинг барқарор моделларини шакллантириш тарафдоримиз.

ШХТ маконида минтақавий ички маҳсулот айирбошлаш ҳажмини оширишга туртки берадиган Савдони соддалаштириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги битим имзоланишини муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Ишончли ишлаб чиқариш-логистика занжирларини ривожлантириш ва ўзаро сармояларни рағбатлантириш зарур эканини таъкидламоқчиман.

Шу муносабат билан ШХТ доирасида минералларни қазиб олиш ва чуқур қайта ишлашда илгор технологияларни жорий этиш мақсадида Стратегик материаллар бўйича ШХТ минтақавий маркази, мамлакатларимизда мувофиқлаштирилган сиёсат олиб бориш ва “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш учун ШХТ Энергетика консорциуми, стартап ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илгари суриш учун Венчур компаниялари ва жамғармалари тармоғи, мамлакатларимиз минта-

қаларини жалб қилган ҳолда, бизнес бўйича мулоқотларни йўлга қўйиш ва инвестицияларни илгари суриш учун Махсус электрон портал каби қатор янги кўп томонлама платформалар ва кооперацияни қўллаб-қувватлаш воситаларини ташкил этишни таклиф қиламан.

Минтақавий саноат ва инфра-тузилма лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаларини тезроқ жорий этиш муҳим. Ушбу масалани ваколатли вазирлар даражасида яна бир бор кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Шимол — Жануб ва Шарқ — Ғарб йўналишлари бўйича транспорт-транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш мамлакатларимизнинг умумий манфаатларига жавоб беради.

Марказий Осиё орқали Форс кўрфазини ва Ҳинд океани портларига чиқадиган жанубий йўналишдаги йўлакларни ривожлантириш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз “ШХТ ягона транспорт макони”ни шакллантириш ва уни “Бир макон, бир йўл” стратегик ташаббуси билан боғлаш бўйича савий-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун катта имкониятларни кўймоқдамиз. Бу янги мултимодал тармоқлар, рақамли платформалар ва “яшил” йўлақлар яратишни назарда тутди. Бу борада тегишли кўп томонлама концепцияни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Яна бир устувор йўналиш — ШХТнинг “яшил” трансформация соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш. Хитой томонининг ташаббуси билан “Яшил” саноат соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги баёнот ўз вақтида қабул қилинмоқда, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, иқлим ўзгаришига мослашиш, ҳавога заҳарли газларни чиқаришни камайтириш, экологик хавф-хатарларни

башорат қилиш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари бўйича минтақавий платформани ишга тушириш зарур.

Маданий алоқаларни янада чуқурлаштириш ва халқ дипломатияси институтини қучайтириш ШХТ доирасидаги узоқ муддатли шериклиқнинг муҳим омили ҳисобланади.

Халқ ижодиёти халқаро фестивалларини ўтказиш, “ШХТ университети” шериклик тармоғининг онлайн кампусини яратиш, инновацион йўналишлар бўйича ҳар йили талабалар ва ёш мутахассислар ўртасида танлов ва олимпиадалар ташкил этиш гуманитар алмашувларни ривожлантириш ва халқларимизни янада яқинлаштиришга кучли туртки бериши мумкин.

Бундан ташқари, “Сайёҳлик йўли” ва ШХТ тиббиёт туризми альянсини ишга тушириш каби истикболли лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг таклиф этамиз.

Хурматли ҳаммасблар!

Фурсатдан фойдаланиб, Қирғизистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислигини қабул қилгани муносабати билан Садир Нурғожоевичи табриклаб, Сизга бу борада улкан муваффақиятлар тилайман.

Нутқимнинг якунида бугун қабул қилинаётган Тяньцзинь декларацияси, ШХТни 2035 йилга қадар ривожлантириш стратегияси ва бошқа яқиний ҳужжатлар кўп қиррали ҳамкорлигимизни кенгайтириш ва замонавий таҳдидларга самарали ечимлар топишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади, деб ишонч билдираман.

Биз ШХТ доирасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги умумий вазифаларни ҳал қилиш учун ишларни биргаликда давом эттиришга тайёرمىз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ПЛЮС» ФОРМАТИДАГИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

1 Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш ва у билан минтақавий кооперацияни ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ШХТдаги шерикларимиз билан кенг қўламли ҳамкорликка тайёرمىз.

Учинчи. Мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш ва стандартларни яқинлаштириш, электрон савдо майдончаларини ривожлантириш, саноат кооперацияси ва инновацияларни рағбатлантириш учун савий-ҳаракатларимизни бирлаштириш муҳим.

Бизнес соҳасидаги мулоқотлар учун самарали майдонни ишга тушириш мақсадида, барча манфаатдор шерикларимизни жалб этган ҳолда, ҳар йили “ШХТ Инвест” инвестиция форумини ўтказишни таклиф этаман. Биринчи форумни келгуси йили Ўзбекистонда ўтказишга тайёرمىз.

Тўртинчи. Минтақамизни глобал йўлақлар билан ишончли боғлашни таъминлайдиган самарали транспорт йўналишларини яратиш биз учун ҳаётий муҳим масаладир.

Шу борада амалга оширилаётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга.

Келгусида ушбу йўналишнинг Трансафғон йўли билан боғланиши ШХТ маконида ягона транспорт тармоғини шакллантириш имконини беради.

Бешинчи. ШХТ мамлакатлари сунъий интеллект, катта маълумотлар базалари, робототехника, биомухандислик, муқобил

энергетика каби илгор йўналишларда катта сакрашни таъминлашга қодир бўлган улкан илмий-техник салоҳиятга эга.

Янги ғояларни генерация қилиш, илгор ташаббусларни ишлаб чиқиш ва технологиялар трансфери учун ШХТ инновацион-технологик хаблар тармоғини яратишни амалий қадам сифатида таклиф этамиз.

Олтинчи. Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорликини кенгайтириш умумий манфаатларимизга жавоб беради ва дўст халқларимизни яқинлаштиришга хизмат қилади.

“ШХТ оиласи” маданий ранг-баранглиги ва бой қадриятларини илгари суришга кўмаклашиш билан шугулланадиган Буюк Ипак йўли маданий мулоқотини таъсис этишни таклиф қиламан.

Шу йилнинг кузида ЮНЕСКО Бош конференциясининг Самарқандда ўтадиган асосий тадбирлари мамлакатларимизнинг ноёб тарихий меросини намойиш этиш учун муҳим майдон бўлиши мумкин.

Барча шерикларимизни катта мамнуният билан ушбу муҳим маданий воқеаларда фаол иштирок этишга таклиф этаман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Ишончим комил, “ШХТ плюс” форматидаги ушбу саммитнинг сермахсул натижалари барқарорлики янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали шерикликини кенгайтириш, барча мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Эътиборингиз учун раҳмат.

ШХТ ДОИРАСИДАГИ КўП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ КўРСАТИБ ўТИЛДИ

1 Энг аввало, ташкилотнинг самардорлигини ошириш, унинг институтлари ва қарорларни амалга ошириш механизмларини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди. Ташкилотни трансформация қилиш бўйича Самарқанд саммитида бошланган жараёнлар ушбу муҳим вазифаларни ҳал этишга ёрдам беришига ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари ШХТни изчил кенгайтириш, унинг мулоқот бўйича шериклари таркибига янги аъзоларни, жумладан, бошқа минтақа давлатларини қўшиш зарурлигини, бу ташкилотни Глобал Жануб мамлакатлари билан ҳамкорлик платформасига айлантиришга ёрдам беришини таъкидлади.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ШХТнинг устувор йўналишларидан биридир.

— Бугунги кунда келишилган ёндашуларга ҳамда ишонч ва хавфсизлигини таъминлашнинг янги механизмларига талаб қучайиб бормоқда, — деди Ўзбекистон Президенти.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари Ядро хавфсизлиги йўлида кўп томонлама шериклини мустаҳкамлаш бўйича ШХТ декларациясини қабул қилишга чақирди. Ушбу декларация тинчлик йўлидаги атомни ривожлантириш ва фақулдодда ҳолатларга жавоб қайтаришнинг мустаҳкам асосига айланади, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидаги тарқатмаслик глобал режимига муносиб ҳисса бўлади.

Трансчегаравий таҳдидларга қарши самарали курашиш мақсадида Ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирлари кенгаши ишини қайта тиклаш, Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни қайта кўриб чиқиш, Гиёҳвандликка қарам бўлиб қолишга қарши курашишнинг 2030 йилга қадар мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси “ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи фаолияти қайта тикланишини қўллаб-қувватлади. Конструктив мулоқотларни ривожлантириш ва Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш унинг асосий вазифаларидан бири бўлиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ҳозирги тенденцияларни ҳисобга олиб, савдо-иқтисодий ҳамкорликини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

— Биз кенг минтақамизда иқтисодий ҳамкорлиқнинг барқарор моделларини шакллантириш тарафдоримиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Савдони соддалаштириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги битимни имзолаш ҳамда

минтақавий саноат ва инфратузилма лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаларини тезроқ жорий этиш муҳимлиги қайд этилди.

Ишончли ишлаб чиқариш-логистика занжирларини ривожлантириш ва ўзаро сармояларни рағбатлантириш мақсадида ШХТ доирасида Стратегик материаллар бўйича минтақавий марказ, Энергетика консорциуми, стартап ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илгари суриш учун Венчур компаниялари ва жамғармалари тармоғи, бизнес бўйича мулоқотларни йўлга қўйиш ва инвестицияларни илгари суриш учун Махсус электрон портал каби бир қатор янги кўп томонлама тузилмалар ва кооперацияни қўллаб-қувватлаш воситаларини жорий этиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шимол — Жануб ва Шарқ — Ғарб йўналишлари бўйича транспорт-транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, Марказий Осиё орқали Форс кўрфазини ва Ҳинд океани портларига чиқадиган жанубий йўналишдаги йўлакларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

“ШХТ ягона транспорт макони”ни шакллантириш ва уни “Бир макон, бир йўл” стратегик ташаббуси билан боғлаш бўйича савий-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун катта имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Янги мултимодал тармоқлар, рақамли платформалар ва “яшил” йўлақлар яратишни назарда тутувчи концепцияни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

ШХТнинг “яшил” трансформация соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш борасида иқлим ўзгаришига мослашиш, ҳавога заҳарли газлар чиқаришни камайтириш, экологик хавф-хатарларни башорат қилиш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари бўйича минтақавий платформани ишга тушириш зарурлиги айtilди.

— Маданий алоқаларни янада чуқурлаштириш ва халқ дипломатияси институтини қучайтириш ШХТ доирасидаги узоқ муддатли шериклиқнинг муҳим омили ҳисобланади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Халқ ижодиёти халқаро фестивалларини ўтказиш, “ШХТ университети” шериклик тармоғининг онлайн кампусини яратиш, инновацион йўналишлар бўйича ҳар йили талабалар ва ёш мутахассислар ўртасида танлов ва олимпиадалар ташкил этиш гуманитар алмашувларни ривожлантириш ҳамда халқларимизни янада яқинлаштиришга кучли туртки бериши таъкидланди.

“Сайёҳлик йўли” ва ШХТ тиббиёт туризми

альянсини ишга тушириш каби истикболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислигини қабул қилгани билан табриклади.

Хитой Раиси Си Цзиньпин давлатимиз раҳбарига илгари сурган муҳим ташаббуслари учун миннатдорлик билдириб, улрани биргаликда амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Мажлис якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Хусусан, Тяньцзинь декларацияси, ШХТни 2035 йилга қадар ривожлантириш стратегияси ҳамда ҳамкорлиқнинг турли соҳаларида шериклики янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим кўп томонлама ҳужжатлар тўплами қабул қилинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “ШХТ плюс” форматининг “Кўп томонлама ҳамкорлиқни ҳаётга таъбиқ этиш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва барқарор тараққиётга кўмаклашиш” мавзусидаги учрашувда иштирок этди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар делегациялари ва унинг доимий фаолият юритувчи органлари раҳбарлари билан бир қаторда қузатувчи ва ҳамкор мамлакатлар етакчилари, фахрий меҳмонлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш ва бошқа халқаро тузилмалар раҳбарлари ҳам қатнашди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида очиклик ва кўп томонлама ҳамкорлик руҳига тўлиқ жавоб берадиган “ШХТ плюс” формати ишончли мулоқот учун тобора муҳим майдонга айлиниб бораётганини таъкидлади.

Бу галги саммит XX асрнинг энг катта фожиаси — Иккинчи жаҳон уруши тугаганининг 80 йиллигида ўтаётгани рамзий маънога эга экани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси қарама-қаршилик қўпайиб бораётганидан хавотир билдириб, низоларга барҳам бериш, ишончни тиклаш, тинч-тотув яшаш ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилишга чақирди.

Шу маънода, Хитой Раиси Си Цзиньпин илгари сурган Глобал бошқарув бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Президенти Ғазо секторидagi вазият яна кескинлашаётгани ва гуманитар аҳвол ёмонлашаётганини қайд этиб, Фаластин — Исроил муаммосини “икки халқ учун икки давлат” тамойили асосида адолатли ҳал этишгана Яқин Шарқдаги можарони тўхтатиш мумкинлигини таъкидлади.

ШХТ доирасидаги шериклик ва амалий ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжудлигини таъкидлаб, давлатимиз раҳбари кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг долзарб вазифаларига тўхталди.

Энг аввало, ШХТ мамлакатларининг барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун жамоавий савий-ҳаракатларни қучайтириш муҳим экани, бу, айниқса, иқлим ўзгариши, энергетика ва озиқ-овқат ресурслари тақчиллик, миграция инқирозлари, киберхукумлар ва бошқа янги хавф-хатарлар юзга келаётган шароитда долзарб экани таъкидланди.

Президентимиз Тошкент шаҳрида ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси негизда Хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича универсал марказ ҳамда Душанбе шаҳрида Наркотикларга қарши курашиш маркази ишга туширилганини оқлишди.

Хавфсизлик масалалари бўйича “ШХТ плюс” форматидagi биринчи мулоқотни келгуси йили юртимизда ўтказиш таклиф қилинди.

— Афғонистондаги вазиятни ҳисобга олмасдан ва халқаро ҳамжамиятнинг афғон ҳукумати билан конструктив мулоқотини йўлга қўймасдан туриб, минтақамизда барқарорлиқни таъминлаш мумкин эмас, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Шу муносабат билан ушбу мамлакат билан ҳамкорлик қилиш ва уни ШХТ лойиҳаларига жалб қилиш бўйича прагматик ёндашувлари ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ШХТ доирасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни тубдан қанғайтиришни устувор вазифа сифатида қайд этди.

Тўсиқларни бартараф этиш ва стандартларни яқинлаштириш, электрон савдо майдончаларини ривожлантириш, саноат кооперацияси ва инновацияларни рағбатлантириш учун савий-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Бизнес мулоқот учун самарали платформани ишга тушириш мақсадида ҳар йили “ШХТ Инвест” инвестиция форумини ўтказиш ва унинг биринчи ййгилишини келгуси йилда Ўзбекистонда ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Минтақавий транспорт интеграцияси ва ўзаро боғлиқлик ҳақида сўз юритилар экан, минтақани глобал йўлақлар билан ишончли боғлашни таъминлайдиган самарали транспорт йўналишларини яратиш Марказий Осиё учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши ва келажақда Трансафғон йўли билан боғланиши ШХТ маконида ягона транспорт тармоғини шакллантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз етакчиси илм-фан, технологиялар ва инновациялар соҳаларида шериклики фаол илгари суриш муҳимлигини қайд этди.

— ШХТ мамлакатлари сунъий интеллект, катта маълумотлар базалари, робототехника, биомухандислик, муқобил энергетика каби илгор йўналишларда катта сакрашни таъминлашга қодир бўлган улкан илмий-техник салоҳиятга эга, — деди Президентимиз.

Янги ғояларни илгари суриш ва илгор ечимларни ишлаб чиқиш учун ШХТнинг инновацион-технологик хаблари тармоғини яратиш амалий қадам сифатида таклиф этилди.

Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорликини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон раҳбари “ШХТ оиласи”нинг маданий ранг-баранглиги ва қадриятларини илгари суришга кўмаклашишга қаратилган Буюк Ипак йўли маданий мулоқотини таъсис этиш ташаббусини илгари сурди. Иштирокчи мамлакатлар делегацияларини Самарқандда бўлиб ўтадиган ЮНЕСКО Бош конференцияси тадбирларида фаол иштирок этишга таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида “ШХТ плюс” форматидаги ушбу саммитнинг самарали натижалари барқарорлиқни янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали шерикликини кенгайтириш ва барча мамлакатларнинг изчил тараққиётига хизмат қилишига ишонч билдирди.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши ва “ШХТ плюс” саммити доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомалӣ Раҳмон, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Беларус Президенти Александр Лукашенко, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модӣ, Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, шунингдек, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, МДХ Ижроия қўмитаси бош котиби Сергей Лебедев ва бошқа делегациялар раҳбарлари билан суҳбатлар ўтказди.

Тяньцзинь шаҳридаги тадбирлар якунланган давлатимиз раҳбари Пекин шаҳрига келди.

Ў.А.

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ



31 август — 1 сентябрь кунлари Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)нинг навбатдаги саммитида халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга қатор масалалар муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қатнашиб, ташкилот фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим ташаббусларини илгари сурди.

ШХТ бугунги кунда хавфсизлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий алоқалар соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликни таъминловчи асосий минтақавий платформа сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Ташкилот таркибидagi давлатлар сони ортиб бориши, унга янгидан-янги аъзолар ва кузатувчиларнинг қўшилиши унинг халқаро майдондаги нуфузи ва таъсирини янада мустаҳкамлаётир.

Президент Шавкат Мирзиёев саммит доирасида сўзга чиқиб, ташкилот самарадорлигини ошириш, унинг институционал асосларини мустаҳкамлаш ва аниқ механизмлар орқали қабул қилинган қарорларни

амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрича, бугунги нотинч ва мураккаб халқаро шароитда ШХТ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ишонч ҳамда бирдамлик нафақат қимматли бойлик, балки тинчликни сақлашнинг муҳим кафолатига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташкилотни трансформация қилиш жараёنларини давом эттириш, унинг доирасидаги мулоқот форматларини кенгайтириш ва Глобал Жануб давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш лозимлигини қайд этди. Шунингдек, хавфсизлик масалалари, хусусан, ядро хавфсизлиги бўйича декларация қабул қилиш, трансчегаравий таҳдидларга ва гиёхвандликка

қарши дастурлар ишлаб чиқиш, Афғонистон бўйича ШХТ мулоқот гуруҳининг фаолиятини тиклашга оид тақлифларни билдирди.

Президентимиз халқаро иқтисодий шароитни инобатга олган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратди. У минтақавий саноат ва инфратузилма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, логистика занжирларини шакллантириш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда стратегик материаллар бўйича махсус марказ ташкил этиш тақлифини илгари сурди. Унинг сўзларига кўра, бугун ишончли транспорт йўлаклари, рақамли платформа ва “яшил” иқтисодиёт элементларини яратиш гоят муҳимдир.

ШХТ доирасида маданий-гуманитар ҳамкорликни кучайтириш, халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш, “ШХТ университети”нинг онлайн кампусини ташкил этиш, ёшлар ва талабалар ўртасида олимпиадалар ўтказиш, маданий фестивалларни йўлга қўйиш каби ташаббуслар билдирилди. Шу орқали ташкилот доирасида халқ дипломатияси институтларини ривожлантириш ва умумий манфаатларга хизмат қиладиган гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш мақсад қилинган.

Тяньцзинь саммити якунида қатор муҳим ҳужжатлар, жумладан, Тяньцзинь декларацияси, ШХТни 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси ва бошқа кўп томонлама келишувлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар ШХТ фаолиятининг янги босқичини бошлаб, унинг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қилади. Президентимиз томонидан илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар иштирокчи давлатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланди ва уларни амалга ошириш учун сиёсий ирода мавжудлиги қайд этилди.

Шу тариқа Тяньцзиньдаги ШХТ саммити нафақат долзарб масалаларни муҳокама қилиш, балки ташкилотнинг келгуси ривожланиш стратегиясини белгилаш нуктаи назаридан ҳам катта сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон бу жараёнда ўзининг конструктив, ташаббускор ва фаол позицияси орқали минтақавий барқарорлик ва ривожланишга ўз ҳиссасини қўшишда давом этаётир.

Шухрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси аъзоси.

ШХТ саммити:

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ – МАМЛАКАТИМИЗ ВА МИНТАҚАНИНГ ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Айни кунларда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг тақлифига биноан расмий таширф билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди. Таширф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари 31 август — 1 сентябрь кунлари Тяньцзинь шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “ШХТ плюс” форматидagi учрашувда иштирок этди.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисида мамлакатимиз етакчиси Шавкат Мирзиёев ташкилотнинг сиёсий асосларини мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, Савдонни соддалаштириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги битимни имзолаш, Стратегик материаллар бўйича минтақавий марказга асос солиш, мамлакатларимизда мувофиқлаштирилган сиёсат олиб бориш ва “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш учун ШХТ Энергетика консорциуми, стартап ва инновациялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун Венчур компаниялари ҳамда жамғармалари тармоғи, мамлакатларимиз минтақаларини жалб қилган ҳолда, бизнес бўйича мулоқотларни йўлга қўйиш ва инвестицияларни илгари суриш учун Махсус электрон портал каби қатор янги кўп томонлама платформалар ва кооперацияни қўллаб-қувватлаш воситаларини ташкил этишни тақлиф қилди.

Президентимиз илгари сурган бу ташаббуслар Ўзбекистон учун ташқи савдонни енгиллаштириш, инвесторларни жалб этиш, стартаплар учун янги молиявий манбалар оқиди. Энергия бозорида барқарор таъминотга эришилади. ШХТ давлатлари ўртасида ягона иқтисодий макон шаклланади, рақамли ва “яшил” иқтисодиётнинг ривожланиши тезлашади. Бу нафақат иқтисодий манфаат келтиради, балки минтақани “яшил” энергетика, инновация ва бизнес интеграцияси марказига айлантиради. Ўз навбатида, бу янги иш ўринлари, юқори технологияни ишлаб чиқариш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам замин яратлади.

Бу ташаббусларнинг амалий аҳамияти жуда кенг ва бир неча муҳим йўналишларда намоён бўлади, жумладан, “яшил” энергетикани жадаллаштириш йўналишида ШХТ Энергетика консорциуми орқали мамлакатлар қайта тикланувчи энергия (куёш, шамол, гидроэнергия) соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириши мумкин. Энергия тақчиллиги муаммоси камайд, экологик тоза манбаларга ўтиш тезлашади. Технологизация алмашинуви кучайиб, электр ишлаб чиқариш харажатлари арзонлашади.

Гояларни намойиш этиш имкониятлари кенгайди

Таъкидлаш жоизки, инновация ва стартапларни ривожлантириш йўналишида венчур компаниялар ҳамда жамғармалар тармоғи ёш ихтирочилар, стартапчилар ва инноваторларга молиявий кўмак беради. Янги технологиялар бозорга тезроқ кириб келади, минтақада инновацион

экотизим шаклланади. Талабалар ва ёш олимлар учун халқаро миқёсда ўз гояларини намойиш этиш имкониятлари кенгайди.

Бизнес алоқаларини мустаҳкамлаш йўналишида эса махсус электрон портал — инвестициялар ва бизнес имкониятларини бирлаштирувчи ягона рақамли майдон вазиёсини ўтайди. Мамлакатлар ҳудудлари ўртасида қўшма лойиҳаларни топиш, шерик излаш ва музокараларни тезкор олиб бориш имконияти пайдо бўлади. Савдо-сотик, хизматлар ва қўшма корхоналар сони ортади. Шунингдек, бу ташаббус боис инвестициялар оқими ошади. Инвесторлар учун аниқ, шаффоф ва қўлай платформа яратилади. Қонунчилик, лойиҳалар ва имтиёзлар ҳақида барча маълумотлар бир жойда жамланади. Минтақага хорихий капитал оқими кўпайиб, иқтисодий ўсиш тезлашади.

Минтақавий интеграцияни кучайтириш, ўз навбатида, мамлакатларга бир-бирининг имкониятларини тўлдириб, умумий иқтисодий маконни ривожлантиришида кўл келади. Бу эса ШХТнинг халқаро нуфузини оширади ва уни нафақат сиёсий, балки иқтисодий марказ сифатида ҳам мустаҳкамлайди.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида транспорт-логистика, энергетика ва инфратузилма соҳаларидаги лойиҳалар давлатлар ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда. Бу нафақат товар, балки янги иш ўринлари ва технологик алмашинуви ҳам таъминлайпти.

Давлатимиз раҳбари саммитда минтақавий саноат ва инфратузилма лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаларини тезроқ жорий қилиш муҳимлигига барчанинг эътиборини қаратди. Шимол — Жануб ва Шарқ — Фарб йўналишлари бўйича транспорт-транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш мамлакатларимизнинг умумий манфаатларига жавоб беришини эътироф этди.

“ШХТ ягона транспорт макони”ни шакллантириш ва уни “Бир макон, бир йўл” стратегик ташаббуси билан боғлаш бўйича саёй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун катта имкониятлар борлиги, бу янги мультимодал тармоқлар, рақамли платформалар ва “яшил” йўлаклар яратишни назарда тутиши, айни йўналишида кўп томонлама концепцияни ишлаб чиқишни тақлиф этди. Айни ташаббус Ўзбекистон географик жиҳатдан марказда жойлашгани боис транзит салоҳиятини максимал даражада ишга солишига йўл ошади. Бу янги даромад манбалари ва логистика инфратузилмасининг ривожланишини таъминлайди. Европа — Осиё савдо йўллари қисқаради, минтақавий интеграцияни кучайтиради. Шунингдек, “Устувор йўналиш сифатида — ШХТнинг “яшил” трансформация соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш, Хитой томонининг ташаббуси билан “Яшил”

саноат соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баёнот ўз вақтида қабул қилинмоқда”, деди Шавкат Мирзиёев.

Экологик бошқарувнинг янги босқичи

Иқтисод: “Иқлим ўзгаришига мослашиш, ҳавога заҳарли газларни чиқаришни камайтириш, экологик хавф-хатарларни башорат қилиш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари бўйича минтақавий платформани ишга тушириш зарур”.

Президентимизнинг бу ташаббусига экологик бошқарувнинг янги босқичи сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Унинг жорий этилиши қатор ижобий натижаларга олиб келади:

Экологик хавфсизлик: атроф-муҳит мониторинги ва хавф-хатарларни прогнозлаш имкониятлари кенгайди.

“Президентимиз илгари сурган ташаббуслар Ўзбекистон учун ташқи савдонни енгиллаштириш, инвесторларни жалб этиш, стартаплар учун янги молиявий манбалар оқиди. Энергия бозорида барқарор таъминотга эришилади. ШХТ давлатлари ўртасида ягона иқтисодий макон шаклланади, рақамли ва “яшил” иқтисодиётнинг ривожланиши тезлашади. Бу нафақат иқтисодий манфаат келтиради, балки минтақани “яшил” энергетика, инновация ва бизнес интеграцияси марказига айлантиради. Ўз навбатида, бу янги иш ўринлари, юқори технологияни ишлаб чиқариш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам замин яратлади.”

Мослашувчан сиёсат: иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва мослашув стратегияларини ишлаб чиқиш самарадорлиги ошади.

Минтақавий интеграция: давлатлар ўртасида маълумот алмашинуви ва қўшма ташаббусларни амалга ошириш механизмлари шаклланади.

Инвестицион имкониятлар: “яшил” технологияларни жорий этиш орқали халқаро молия институтлари ва инвесторларини жалб қилиш имконияти кенгайди.

Инновацион ривожланиш: илмфан, стартаплар ва сунъий интеллект соҳасида кадрлар тайёрлашга туртки бўлади. Мазкур ташаббус минтақа мамлакатларини барқарор ривожланиш мақсадларига яқинлаштириш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва иқлимий муаммоларга қарши курашда янги босқични бошлаб бериши, шубҳасиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, маданий алоқаларни янада чуқурлаштириш ва халқ дипломатияси институтини кучайтириш ШХТ доирасидаги узок муддатли шерикликнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Халқ иқидиёти халқаро фестивалларини ўтказиш, “ШХТ университети” шериклик тармоғининг онлайн кампусини яратиш, инновацион йўналишлар бўйича ҳар йили талабалар ва ёш мутахассислар ўртасида танлов ва олимпиадалар ташкил этиш гуманитар алмашинувларни ривожлантириш ҳамда халқларимизни янада яқинлаштиришга кучли туртки беришини таъкидлади. “Сайёҳлик йўлағи” ва ШХТ тиббиёт туризми альянсини ишга тушириш каби истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишни тақлиф қилди.

Бу ташаббусларнинг амалий

аҳамиятини бир неча йўналишларда кўришимиз мумкин. Жумладан, маданий-маънавий яқинлашув — халқ ижоди фестиваллари, халқаро танлов ва олимпиадалар миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаб, маданий алмашинуви жонлантиради. Бу эса халқлар ўртасидаги ишонч ва ўзаро хурматни оширади.

Таълим ва илмий интеграция — “ШХТ университети”нинг он-лайн кампуси аъзо давлатлар талабалари ҳамда мутахассислари-га ягона билим маконида таълим олиш имконини беради. Бу кадрлар тайёрлашда ҳамкорликни кенгайтириш ва ракобатбардош мутахассисларни етиштиришга хизмат қилади.

Ёшлар учун имкониятлар — мунтазам ўтказиладиган танлов ва олимпиадалар ёшлар ташаббускорлигини рағбатлантириб, янги гоялар ва инновациялар пайдо бўлишига замин яратлади.

Туризм ривожини — “Сайёҳлик йўлағи” ҳамда ШХТ тиббиёт туризми альянсини таъкиб сайёҳлик оқимини оширади, балки хизмат кўрсатиш соҳасида қўшмача иш ўринлари яратлади ва иқтисодий фойда келтиради.

Халқ дипломатияси кучайиши — маданий ва гуманитар алмашинув давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни ҳам юмшатиб, узок муддатли шериклини барқарорлаштирилади. Бу ташаббуслар нафақат маданий-гуманитар соҳага, балки таълим, туризм, иқтисодиёт ҳамда халқаро муносабатларга ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон — «яшил» келажак сари

Ўзбекистон замонавий ва истиқболли соҳаларга — рақамли иқтисодиёт ва “яшил” ривожланишга дадил қадам қўймоқда. Бу эса мамлакатимиз келажаги учун катта имкониятлар, халқимиз ҳаёти учун эса қўлайлик ва сифатли яшаш шароитларини таъминлайди. Айни жараёнда мамлакатимизнинг халқаро нуфузли ташкилотлар, хусусан, “ICLEI” — (Барқарорлик учун маҳаллий ҳукуматлар ассоциацияси) билан ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутди.

Халқаро Нордик университети бу ҳамкорликнинг илмий-маърифий пойдеворини яратиб, халқаро тахрирларни Ўзбекистонга олиб киришда муҳим роль ўйнамоқда. Маълумки, “ICLEI East Asia” 2023 — 2025 йиллар давомида Ўзбекистондаги маҳаллий ҳокимиятлар билан барқарорлик йўналишида ҳамкорликни кучайтирди. Хитой — Ўзбекистон кам углеродли саноат учрашуви ва Сеул ОДА лойиҳалари

Шеразод МУСТАФОҚУЛОВ,
Халқаро Нордик университети
ректори, профессор.

АСОССИЗ РАД ЭТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР ОВОЗ БЕРИШ БОСҚИЧИГА ЎТКАЗИЛДИ

Олий Мажлис Сенати аралашуви натижасида Олтинкўл ва Улуғнор туманларидаги “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари бўйича овоз бериш босқичига старт берилди.

Аввалроқ ушбу туманларда “Ташаббусли бюджет” жараёнининг жорий йилги иккинчи мавсумида тақдим қилинган лойиҳалар туман ишчи комиссиялари томонидан асоссиз равишда рад этилгани аниқланган ва шу муносабат билан Андижон вилояти ҳокимида лойиҳаларни белгиланган мезонлар асосида қайта кўриб чиқиш юзасидан сенатор сўрови юборилган эди.

Сўровга мувофиқ лойиҳалар қайта кўриб чиқилди. Натижада Олтинкўл туманида 93 та, Улуғнор туманида 57 та лойиҳа овоз бериш босқичига ўтказилди. Шунингдек, ушбу туманларда 39 та лойиҳа асосли рад этиш ҳулосаси билан қайтарилди.

“Очиқ бюджет” порталидаги дастлабки маълумотларга кўра, Улуғнор туманида жами 73 та лойиҳа тақдим қилинган бўлиб, шундан фақат 13 таси (18 фоиз) овоз бериш босқичига ўтказилган, қолган 60 та лойиҳа эса асослангиланган ҳолда рад этилган эди. Худди шунингдек, Олтинкўл туманида 116 та лойиҳанинг фақат 22 таси (19 фоиз) саралашдан ўтган, 94 та лойиҳа эса асослангиланган ҳолда рад қилинган.

Шу муносабат билан мазкур туманлар бўйича саралашдан ўтган лойиҳалар юзасидан овоз бериш жараёни жорий йил 29 августдан бошлаб йўлга қўйилди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚПАРВАРЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ҳаётда адашган, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган кишиларни кечириб, уларга тўғри йўл топиши учун имкон бериш, қўллаб-қувватлаш асл инсоний қадриятлардандир. Бу яқин инсонини изтироб ва интизорлик билан кутаётган бутун бир оилани янгидан ҳаётга қайтариш билан баробар.

■ Акс садо

Сўнгги йилларда қўлланилган маҳкумларни афв этиш ва қайта ижтимоийлаштириш сиёсати амалда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Чунки афв — бу айбдорни кечириб, қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлганднинг узрини қабул қилишидир. Бу инстинтутнинг афзаллиги, икки томон манфаатлари учун адолатли ёндашув бўлиб, жабр етказувчи ва жабр кўрувчилар манфаатини бир хилда ҳимоя қилади.

Афв замирида нафақат кечиримлилик, балки юксак инсонпарварлик муҳассам. Сабаби, афв этилган шахсларнинг оила аъзолари, яқинлари ҳам бундай инсонпарварлик муносабатида баҳраманд бўлади. Адолатли жамиятда айбдорларни жазога тортишдан мақсад уларни жазолаб янада ашаддийлаштириш эмас, балки тўғри йўлга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантиришидир.

Бир инсонни афв этиш билан кўплаб инсонларнинг кўнглида давлатга нисбатан ишончнинг мустаҳкамлаш мумкин. Шу боис адашиб, номақбул йўлга кирган, аммо кеч бўлса-да ўз қилмиши ҳақидаги ақилдорликни аниқлаб етиб, чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазоланган инсонларнинг сонида олдиди ўзини оқлаши, ҳаётда ўрнини топиши, ҳалол меҳнат қилиб, турмуш тарзини изга тушириш учун яна бир имкониятдир.

Айни жараёнда афв этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун яқиндан кўмак берилмаётгани уларнинг бу имкониятлардан тегишли ҳулоса чиқариб, юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши, оиласи ва юртимизга наф келтиришида муҳим омил бўлади.

Муҳими, ушбу хайрли анъана нафақат улар, балки жамият учун ҳам ўзига хос тарбиявий аҳамиятга

эга. Зеро, афв адолат мезонларини таъминлаб, жамиятимизда одиллик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлайди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 523 нафар ватандошимизга шундай бахт насиб этди. Уларнинг 195 нафари асосий жазодан тўлиқ озод қилинди, 147 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этилган бўлса, 87 нафарининг жазоси енгилроғи билан алмаштирилди. 94 нафар шахснинг эса жазо муддатлари қисқартирилди. Бу — шунча оилага қувонч, шодлик ва умид олиб кирди, дегани.

Ушбу ҳужжат қанчадан-қанча инсонларга, уларнинг оиласи ва яқинларига ҳақиқий байрам тўғриси бўлди. Ўз навбатида, бундай хайрли ишлар жамият муҳитини соғломлаштиришга, барқарорлик мустаҳкам қарор топишига ҳам хизмат қилади.

Бинобарин, ҳужжатда афв этилган шахслар оиласи ва яқинлари бағрига қайтиб, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун яқиндан кўмак берилмаётгани уларнинг бу имкониятлардан тегишли ҳулоса чиқариб, юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши, оиласи ва юртимизга наф келтиришида муҳим омил бўлади.

Одинас ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

Инсон қадри — улуг, хотираси — муқаддас

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ...

Бу муқаддас юртда инсон — азиз, унинг қадри — улуг, хотираси — муқаддас. Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги арафасида имзоланган “Ўзбекистонда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорларни муқофотлаш тўғрисида”ги Президент Фармони бу фикрнинг амалий тасдиғи бўлди.

Фармонга мувофиқ, мамлакатимизда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, жамиятимизда эзгулик ва адолат, ватанпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона хизмат қилиб, авлодларга қолдирган бой мероси, сермазмун ҳаёти ва инсоний фазилатлари билан эл-юрт хотирасидан чуқур жой эгаллаган бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорлар орденлар билан муқофотланди. Улар орасида халқимизнинг суюкли

шоирлари — Қуддус Муҳаммадий, Рауф Парфи, Тўра Сулаймон, Анвар Обиджон ва Муҳаммад Юсуф ҳам бор.

Шеърят — сўз санъати, адабий бойлик. У қалблардан жой олди, ўқувчи меҳрини қозонди, тилдан тилга, дилдан дилга ўтиб яшайверади. Шу маънода, чинакам шоирларнинг адабий мероси — абадиятга дахлдор. Маърифатпарвар, оташнафас шоир Усмон Носир шеърларидан бирида “Баргдек узилиб кетсам, унутмас мени боғим”, деб ёзганида аини ҳақиқатни назарда тутганди.

Инсон қадрини улуглаш, аждодлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ибратли ишларини кенг тарғиб этиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг узвий давомии сифатида Президентимиз Фармони билан муқофотланган халқ шоирларининг ижодий меросидан гулдаста ҳозирланди. Қуйида боқий сатрлар асосида тайёрланган шеърини туркум эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.



ШЕЪРИМ, ОЧИЛ ДАСТУРХОН

Шеърим, очил дастурхон,
Шеърим — очик дастурхон.
Эл ўғли қилай меҳмон,
Бўлайин укан мезбон.
Шоирингман меҳрибон,
Қилгим келар улкан иш,
Дунёда энг кўркем иш.
Шеър булғим қайна, жўш,
Шеържоним, бўл оққуш,
Шеърим ҳаёт боғбоним,
Шеър аскарим — посбоним.
Паҳлавон беозорим,
Қўнғиларни ёзарим,

Юрагим осмонисан,
Эл-юртим посбонисан,
Тинчлигим каптарисан,
Ўқувчим дафтарисан.
Қадрдон мактабимсан,
Юрагим, рубобимсан.
Сенсан қўшиқ, улкан куй,
Сен кирмаган бирон уй,
Сен бўлмаган байрам, тўй,
Қолмасин ҳеч бир элда.
Янгра шеърим, минг тилда.
Халқ юрагин макон эт,
Халқим кўнглин осмон эт.

Ёқимли бўл ҳаводек,
Жон озиғим наводек,
Жон бағишла ўликка,
Завқ бағишла тирикка.
Шеър десам жоним эрир,
Жону жаҳоним эрир.
Онамнинг алласи шеър,
Ҳофизлар яллеси шеър.
Халқимга мададкорим.
«Ҳайт» туяга мадорим.
Шеърим, очил дастурхон,
Шеърим — очик дастурхон.

Қуддус МУҲАММАДИЙ,
Ўзбекистон халқ шоири.

МУҚАДДАС ҚЎШИҚ



Ассалом, она юрт, тонглар ўлкаси,
Таъриф, тавсифининг йўқ нўҳояси.
Сенга бағишланур муқаддас қўшиқ,
Бу — ўзбек элининг ўз мадҳияси.

Қўхна ота юртим, қадим Туроним,
Ўз бешиқ, ўз тилим, шавкатим, шоним.
Етти иқлим ичра тенги топишмас —
Тупроқ, тоши олтин Ўзбекистоним.

То башар бор экан, бор экан кўш,
Бирлашган элга ёв отолмағай тош.
Ёвқур йиғитларинг, лочин қизларинг
Ғанимлар олдида эзмаганлар бош.

Дастурхонини очик, хирмони баланд,
Самовий тоғлари номига монанд.
Оламга машхур не зотлар Ватани,
Меҳринг қон-қардошлар меҳрига пайванд.

Сен — тошқин Жайҳуним, терап Сайхуним,
Сен — менинг ўтмишим, сен — ёруғ куним.
Елкадош ўлкалар билан ҳамнафас,
Шонли Туркистоним — Ўзбекистоним.

Тулинг гулзор бўлсин, қирларинг ўрмон,
Дарёларинг денгиз, қўлларинг уммон.
Худудинг дахлсиз, яловинг юксак,
Сен — Шарқнинг машъали, сен — доруломон.

Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

СЎНМАС РУҲИМИЗДА МАТОНАТ АСЛО



Сўнмас руҳимизда матонат асло,
Аждодлар шарафи абадий яшар.
Мукаррам зиёсан, эй туркий Дунё,
Қўлагил, Аллоҳим, қўлагил, Башар.
Сўнмас руҳимизда матонат асло.

Ёлғиз Аллоҳимиз, чорлар Истиқлол,
Муборак сиймолар, ботиқлар чорлар.
Ёлғиз паноҳимиз, чорлар Истиқлол,

Жаҳонга, Инсонга муҳаббат порлар,
Ёлғиз Аллоҳимиз, чорлар Истиқлол.

Уйғон, турк Дунёси, муқаддас Турон,
Кўш, бошимиздан соғил қутлуғ нур.
Асл Турк юрти бу, қадим, навоқирон,
Темур умиди бу, Туркистон мағрур,
Уйғон, турк Дунёси, муқаддас Турон.

Рауф ПАРФИ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ТАЛАБАЛАР МАДҲИЯСИ



Ватанида Тоғ Маҳаллар тиклар султон —
Бобурлари, Бехзодлари, илм истанг.

Ҳақ йўлида сиз — илмнинг умматлари,
Халқ йўлида ҳидояти, ҳимматлари.
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари,
Бобо Машраб баётлари, илм истанг.

Илм истанг, изингиздан ибрат ёғсин,
Ихлосингиз, шаҳдингиздан шиддат ёғсин.
Ортингиздан мағрур-мағрур миллат ёғсин —
Мулки Турон нажотлари, илм истанг!..

Алп ўғлонлар ўлкасидир Ўзбекистон,
Эркли элининг қанотлари, илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг.

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ФИЛДИРАГИ ЙЎҚДИР ВАТАННИНГ

(Бир “Игнабарг шеър”нинг давоми)



Суриб бўлмас саз иқлим сари,
Филдираги йўқдир Ватаннинг.

Ватан деган инимиз битта,
Ватан билан динимиз битта,
Яхши-ёмон кунимиз битта,
Филдираги йўқдир Ватаннинг.

Фидоликка шайликда — қудрат,
Эркимизни бой берсак мудраб,
Қочолмаймиз хорижа судраб,
Филдираги йўқдир Ватаннинг.

Мозорли халқ сондан ўчмайди,
Ёт миллатни ёт ер кучмайди,
Кимдир кўчар, Ватан кўчмайди,
Филдираги йўқдир Ватаннинг.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

Тураверар ботқоғу жарни,
Саҳролари силжимас нари,

ЮРТИМИЗ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА 2025/2026 ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

Факт ва рақамлар



Мамлакатимиз бўйлаб барча умумтаълим мактабларида янги — 2025/2026 ўқув йили дарс жараёнлари **бугундан, яъни 2 сентябрдан бошланади.**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хабарига кўра, умумтаълим мактабларидаги ўқув жараёнининг биринчи дарс соатларида **“Ватан учун, миллат учун, халқ учун!”** шиори остида **“Келажак соати” дарслари** ўтказилади.

Шунингдек, жорий йилда биринчи синфга қабул қилинадиган **738 минг нафардан зиёд ўқувчиларга 12 номдаги ўқув қуроллари**дан иборат “Президент совғаси” тантанали топширилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, мустақиллигимизнинг 34 йиллиги байрами арафасида мамлакатимизда **юзлаб янги мактаблар қурилиб**, таъмирланиб фойдаланишга топширилди.



«Халқ сўзи».

Тошкентда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари давомати «Smart School» электрон дастури орқали назорат қилинади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 554 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусахҳас — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.35 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6

ЭРКИНЛИК ВА
ТАРАҚҚИЁТ
ТИМСОЛИ

Бу йил жонажон юртимизда энг улуг, энг азиз айём — мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган бош ғоя асосида ўтказилгани замирида чуқур маъно бор. Ушбу ғоя янги Ўзбекистон тараққиётининг моҳиятини ёрқин ифода этмоқда.

Мушоҳада

“Янги Ўзбекистон” боғида мамлакатимиз Президентининг давлат мустақиллигининг 34 йиллигига бағишланган байрам табригини катта ҳаяжон билан тингладик. Нутқда илгари сурилган фикрлар кенг жамоатчилик — маҳаллий ва хорижий экспертлар эътирофига сазовор бўлди.

Давлатимиз раҳбари қандай синов ва машаққатлар пайдо бўлмасин, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, халқимизни рози қилиш йўлидан асло ортга қайтилмаслигини таъкидлади.

“Бошлаган буюк ишларимизни, албатта, охирига етказамиз. Ҳеч қачон унутмайлик: биз барчамиз битта халқ, битта мамлакат, битта оиламиз! Ҳаммамизнинг тақдиримиз, келажакимиз, бахтимиз ва ютуғимиз ҳам ягона ва муштарак. Ҳар бир ватандошимнинг ютуғи — бу менинг ютуғим, ташвиши — менинг ташвишим, деган фикр билан яшасак, ютуғимиз кўпайиб, ташвишимиз, албатта, камайиб боради”, деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, мустақиллик — улуг нёъмат, уни асраб-авайлашимиз, мамлакатимизнинг бугуни ва эртаси янада порлоқ бўлишида муносиб ҳисса қўшишимиз лозим. Зотан, истиқлол — бу миллий ўзликнинг тикланиши, келажак сари қатъий одимлашнинг рамзи. У юртининг юрагида яшовчи буюк ғоя — эркинлик ва тараққиёт тимсоли ҳамдир.

Бугунги кунда миллий истиқлолимиз кўп миллатли бутун халқимизни янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсад йўлида бирлаштириб, янги ютуқ ва марралар сари илҳомлантирмоқда. “Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу тамойилга асосланган Янги Ўзбекистон ғояси амалда қудратли ҳаракатга айланди, дейишга барча асосларимиз бор. Натижада халқнинг давлатга бўлган ишончи ортиб, бошқаруving асосий мезони сифатида халқ манфаати қарор топди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар юртимиз тараққиётида бутунлай ўзига хос янги бир саҳифани очди. Иқтисодиётимиз 6 фаздан юқори суръатларда барқарор ўсаётгани, янги Ўзбекистонда тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, олдинга бошловчи катта кучга айланиши фикримизнинг яққол ифодасидир.

Шу даврга қадар ялпи ички маҳсулот 2 қарра

ошиб, биргина ўтган йили 115 млрд. долларга, экспорт ҳажми 26 млрд. долларга етгани, охириг саккиз йилда юртимизга қарийб 130 млрд. доллар хорижий инвестициялар кириб келгани айнан Ўзбекистон ва унинг узокни кўра оладиган халқпарвар Президентининг саъй-ҳаракатлари натижасидир.

Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси билан қучли, ташаббускор “тадбиркорлик синфи” шаклланди. Бутун жамият тадбиркорга дўст бўлди. Мамлакатимиз етакчисининг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган очик мулоқот эса янги Ўзбекистон сиёсатининг муҳим воқеасига айланиб улгурди.

Очиқ мулоқот давлат билан хусусий сектор ўртасидаги алоқаларни янада яқинлаштирди. Солиқ юки енгиллаштирилиши, кредит сиёсати либераллаштирилиши ва тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши

— буларнинг барчаси юртимизда хусусий секторнинг давлат тараққиётидаги улушини янада оширмоқда. Натижада ўтган даврда биргина киши ва ўрта тадбиркорлар сони 2 қарра кўпайди. Бугун ушбу тармоқда 10 миллиондан ортиқ аҳоли меҳнат қилиб, даромад топтомоқда.

Олиб борилаётган халқчил, адолатли ва кенг қамровли ислохотлар бутун халқимиз ҳаётида ўзининг ибобий натижаларини бермоқда. Бунинг юртимизда камбағаллик даражасини 6,8 фоизга туширишга эришилгани мисолида аққол кўриш мумкин. Агар халқаро ташкилотлар беш-олти йил олдин ушбу рақамни 35 фоиз атрофида баҳолаганини ҳисобга олсак, қисқа даврда бу борада қандай катта йўлни босиб ўтганимиз аён бўлади.

Айниқса, охириг саккиз-тўққиз йилда юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида туб ислохотлар ва бурилишлар даври бўлаётганини ҳар биримиз ўз ҳаётиимизда ҳис қилмоқдамиз. Пировардида Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати-ю, ёшларимизнинг ҳар соҳадаги ютуқлари, ғайрати ва азму-шожоати билан Ватанимизнинг шон-шухрати оламга ёйилди.

Дийр ҲУСАНОВ,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты.